

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Чортоқ туман халқ таълими бўлими

Мудир Харид комиссиясининг

раиси Ф.Баҳодиров

“12” октябрь 2022 йил

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЧОРТОҚ ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ

25-СОНЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ФАОЛЛАР ЗАЛИНИ ҚУРИШ

ИШЛАРИ ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Чортоқ туман-2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисим
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: 25-сонли умумий ўртатаълим мактабига фаоллар зали қуриш ишларига лойиха хужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танлов юқори қиймати 31 932 500 (Ўттиз бир миллион тўққиз юз ўттиз икки минг беш юз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларини бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5. Ишлар бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Чортоқ туман халқ таълими бўлими (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Чортоқ шаҳар Истиқлол хиёбони кўчаси 6-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Чортоқ туман халқ таълими бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларининг мавжудлиги;

- объект мураккаблик даражасига қараб, “лицензия” ва “гувоҳнома”

- Моддий-техник базаси ҳамда ташкилотнинг ордетехник рўйхати ускуналари
- Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёт сугирталанганлиги
- Техника хафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин қилинган ишлар бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияга эга бўлган талабгорга рўхсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рўхсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажралиши, кўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифлар яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳирлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдириши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчилари:

- Фақат битта таклиф бериш мумкин;